

Бағдодда Халқаро Қуръон мўъжизалари конференцияси бўлиб ўтади



09:20 / 25.12.2018 1710

Конференция 2019 йилнинг 16 февralида Бағдоддаги Уммул қори жоме масжиднинг мажлислар залида бўлиб ўтади, деб хабар беради IQNA. Суннийлар вақф идораси томонидан ташкил этилаётган ушбу халқаро тадбир, “Ахборот асрида Қуръоннинг зуҳури” шиори остида бўлиб ўтади. Тиббиёт, космология, ер, осмон, денгиз фанлари, ижтимоий ва табиий фанларда аниқланган Қуръон мўъжизалари конференциянинг асосий мавзулари ҳисобланади. Тадбирга дунёнинг қатор мамлакатларидан муфассирлар, етук илоҳиётчи ва дунё фани олимлари таклиф этилган. Анжуман араб ва инглиз тилларида бўлиб ўтади.

Islom.uz портали таҳририяти